

“ДЕВОНУ ЛУҒАТИ-Т-ТУРК” АСАРИДА ОТ ТУРКУМИГА ОИД СЎЗЛАРНИНГ ИЗОҲЛАНИШИ

Абдуллаев Суннатилла

ТошДШИ “Мумтоз филология”

магистратура йўналиши 1-курс толиби

Аннотация.

“Девону луғати-т-турк” асаридек улкан илмий манбанинг чуқур тадқиқ қилиниши туркий тил имкониятларини очиб беришда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбек тили тарихининг лексик бойлигини ўрганиш учун ҳам асар бекиёс аҳамиятга эга. Бу мақолада “Девону луғати-т-турк”даги от туркумига оид сўзларнинг изоҳланиш принципига тўхталамиз.

Таянч сўз ва иборалар:

“Девону луғати-т-турк”, сўз туркуми, сўз, от, интрепретация.

Ҳар бир миллат ўз тили билан қудратли. Давлат тили ҳисобланган ҳозирги ўзбек тили ўзининг бой тарихига эга. Бу тарихнинг ёзма манбалари милодий V-VI юзйилликлар, Турк хоқонлиги даврига оид. У вақтларда тилимизнинг луғат таркибида ҳозиргидек араб, форс, мўғул, рус тилларидан кирган сўзлар бўлмаган. Асосийси ўтмишдаги тил фақатгина ўзбеклар учун эмас, умумий туркий халқлар учун бирдек хизмат қилган.

Ҳозирги ва қадимги тилимиз ўртасида кўприк бўлувчи бир давр борки, бу X-XI юзйилликларга тўғри келади. Бу даврда туркий давлатлар кучайган ва туркий тил давлат тили даражасига чиқиб, ривож топган. Айни шу даврда Маҳмуд Кошғарийнинг туркий тилшуносликнинг дурдоналари ҳисобланган “Девону луғати-т-турк” ва Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарлари дунё юзини кўрди.

“Девону луғати-т-турк” айнан тилшуносликка оид бўлиб, унда туркий сўзлар араб грамматикаси асосида тушунтирилган. Асар турли даврларда кўплаб олимлар томонидан тадқиқ қилинди, унинг асосида диссертациялар ёқланди.

“Жумладан, “Девону луғати-т-турк” А. Фитрат, Жузе П.К., В.И. Беляев, И.Ю. Крачковский, В.В. Бартольд, С.П. Толстов, Н.К. Дмитриев, Н.А. Баскаков, С.М. Малов, А.Н. Кононов, И.В. Стеблева, А.М. Шчербак, Ҳ. Ҳасанов, С. Муталлибов, Н.М. Маллаевлар томонидан тадқиқ қилинган.

Мустақиллик йилларида эса А. Алиев, Қ. Каримов, Турон Усмон, У. Турсунов, Б. Ўринбоев, Ғ. Абдурахмонов, Қ. Содиков, Б. Валихўжаев, У. Жўракулов, М. Хайруллаев, М. Жўраев, Н. Раҳмонов, Ж. Худойбердиевлар асар тадқиқи билан шуғулланган.

Биз ушбу мақолада “Девону луғати-т-турк” асаридаги от сўз туркумига оид сўзларнинг изоҳланишига тўхталиб ўтишга қарор қилдик. Ишимизда асарнинг филология фанлари доктори, профессор Қосимжон Содиков томонидан нашрга тайёрланиб, 2017 йилда чоп этилган нусхасидан фойдаландик.

Маҳмуд Кошғарий от туркумига оид сўзларни исмлар номи остида таснифлаган. Асарда исмлар куйидаги гуруҳларга бўлинади:

- “*Hamza* билан бошланувчи отлар китоби;
- *Sālim* отлар китоби;
- *Mudā'af* отлар китоби;
- *Ġunna* ли отлар китоби.”¹

¹ ДЛТ- Маҳмуд Кошғарий. Девону луғати-т-турк. Нашрга тайёрловчи: Қ.Содиков. – Тошкент: Фафур Фулом, 2017.

Асарда от туркумининг бошқа қатор туркумлар билан биргаликда исмлар номи билан келиши Кошғарийнинг туркий тилдаги ўзига хос кашфиёти бўлган. Умуман олганда туркий грамматик қоидалар оғзаки тилда “сузиб” юрган бир вақтда олим ўз даври тили учун грамматик асослар яратган. Ушбу асарда туркий сўзларни араб тилшунослиги нуқтаи назаридан тадқиқ қилган.

“Девону луғати-т-турк”да сўзларларнинг, хусусан, отларнинг тузилишига ҳам тўхталиб ўтилган. Асардаги маълумотларга кўра, отлар қуйидаги тузилишда бўлади:

Икки ҳарфли: ات *at*, ار *er* сўзлари каби.

Уч ҳарфли: اُزُق *azuq*, يَزُق *yazuq* (айб) сўзлари каби.

Тўрт ҳарфли: يَغْمُر *yağmur*, جَغْمُر *çagmur* (шолғом) сўзлари каби.

Беш ҳарфли: غُرُوغْسَاق *quruğsaq* (меъда, курсок), قُدْرُغَاق *qudurğaq* (этакнинг бир томони) сўзлари каби.

Олти ҳарфли: كُؤْمُلْدُرُك *kö müldürük*, قُدْرُغُون *qudurğun* (кююшқон) сўзлари каби.

Етти ҳарфли: زَرُغُنْجُمْد *zarğunğım* (хушбўй бир ўсимлик, тангагулли бўлади) каби. Етти ҳарфли [сўз]лар отларда кам, лекин [сўзлар] етти ҳарфлидан ортиқ бўлмайди.”²

Бу ўринда эътибор беришимиз керак бўлган жиҳат шуки, туркий тилда сўзларнинг ҳарфлар сонига кўра гуруҳларга ажратилмаслиги бўлиб, бу кўпроқ араб тилига хос хусусият. Шунинг учун, сўзлардаги унли товушлар саналмай, фақатгина ундош ҳарфлар инobatга олинган. Акс ҳолда كُؤْمُلْدُرُك *kö müldürük* сўзи етти ҳарфли эмас, 10 ҳарфли сўз деб олинган бўларди. Кошғарийнинг бундай қилишига замонасида араб ёзуви амалда бўлгани ва асар арабларга туркий тилни ўргатиш учун ёзилгани сабаб бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Шу билан бирга, Маҳмуд Кошғарий бериб ўтган ушбу маълумот олим фақат тилнинг лексик бойлигини эмас, унинг шакл-шамойилини ҳам синчковлик билан ўрганини исботлайди. Шунингдек, бугун тилимизда мавжуд от сўз туркумига оид айрим сўзларнинг асл туркий ёки бошқа тилдан кириб келганини аниқлашда ҳам аҳамиятли.

Маҳмуд Кошғарий асарда сўзларни отларни изоҳлашда у ёки бу сўз қайси туркий қавмга оидлигини ҳам айтиб кетган. Масалан:

أُوْد *ud* (уд) – сигир (чигилча). Шу билан бирга, турклар қабул қилган ўн икки йилдан бирига ҳам сигир номи берилган. أَمِير *emir* (эмир) – туман, булут (ўғузча). Бундан мисоллар асарда талагина учрайди.

Шунингдек, омоним сўзлар берилиб, уларнинг айрим туркий қавм тилида қандай маъно англатиши ҳам кўрсатиб ўтилган. Масалан:

أَغْر *oğur* (ўғур) – бу сўзнинг вақт, давлат, даргоҳ, ишнинг ўрнида, вақтида, жойида бўлиши, сафарга чиқувчиларга нисбатан эса яхши ва муваффақиятли маъносида ишлатилиши айтилган. Бундан ташқари أَغْر *oğur* ўғузчада бадал, эваз, ўрнига-ўрин, бошқа-бош каби маъноларни ҳам англатиши қўшимча қилинган. Кошғарий бунинг исботи сифатида қуйидаги гапни келтиради: *atqa oğur aldım* – от эвазига [бошма-бош] олдим.

Эндиликда асарда айнан бир сўзнинг берилишига тўхталсак. Масалан بَك *bek* (бек) сўзига. “Девону луғати-т-турк”да بَك сўзи иккита – *beg* ва *bek* шаклларида талаффуз қилинади. *Bek* (*мустақкам, маҳкам*) сўзи от эмас, сифат маъносида келади. *Beg* эса от туркумига оид сўз бўлиб, бек, амир маъносида келади. *Beg* нинг яна бир маъноси хотиннинг эри бўлиб, эркак уйида бекларга ўхшатилгани учун шундай аталган. Аёлларнинг турмуш ўртоғини бегим деб аташи ҳам шундан, чамамда.

Асарда *Beg* сўзи билан бир нечта мисоллар келтирилган. Жумладан, *iki beg birlä el boldi* – икки бег бир-бири билан ярашди, *beg oğurında meniñ işim etildi* – бег давлатида (даргоҳида) менинг ишим ўнгланди. Шундай шеърин мисол ҳам учрайди:

Uluğluquğ bulsa-sen edgü qilin,

Bolğil kişig beğlär qatın yaxşı ulan.

Маъноси: Даража ёки мартаба топсанг, хулқингни чиройли қил, амирлар олдида яхшилик етказувчи, халқнинг ишларини яхши қабул [қилувчи бўл].

² ДЛТ- Маҳмуд Кошғарий. Девону луғати-т-турк. Нашрга тайёрловчи: Қ.Содиқов. – Тошкент: Фафур Фулом, 2017.

“Девону луғати-т-турк”даги **ب** шаклида ёзилувчи сўзларнинг маъносига қараб туриб, кунимиздаги оддий, аммо тез-тез учраб турувчи ҳолатга жавоб топамиз. Бу ўғил болаларга қўйиладиган Бекзод исми билан боғлиқ. Бу исм бугунги кунда уч хил– Бекзод, Бегзод ва Бехзод кўринишида учрайди. Буларнинг қай бири тўғир экани эса кўпчиликни қизиқтиради.

Асардан кўриб турганимиздек, бу исмларнинг ҳар бири алоҳида маънога эга. **Бекзод** – мустаҳкам зотли, **Бегзод** – беглар авлодидан, **Бехзод** – яхши зотли. Бу исмларнинг ичида Бехзод тўла форсча сўз. Қолганларида фақатгина **-зод** қўшимчаси форсча. **ب** **beh (бех)** – яхши деган манъони билдиради.

Маҳмуд Кошғарий сўзларнинг фонетик изоҳига ҳам тўхталиб ўтган. Уларнинг қай ҳолатда талаффуз этилиши ва имлоси масаласида ҳам маълумотлар мавжуд. Жумладан, **مُن** **mün (мун)** – шўрва. Бу сўзни бергандан кейин Кошғарий шундай изоҳ беради:

“Бу яғмоларда эшитдим. **Mün keldür** деганларида уврала шўрва ҳозирлаганларини кўрдим. Бу сўзларни ёзишда бир чўзиқ ҳарф (унли ҳарф) орттириш ҳам мумкин эди, лекин талаффузга кўра биз ёганимизчадир. Унга зарурат йўқ.”

Кошғарий берган маълумотдан туркий тилда айрим сўзларнинг ёзилиши ва талаффузида бироз фарқлар ҳамда вариантлик бўлганини тахмин қилишимиз мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, “Девону луғати-т-турк”да от сўз туркумига оид сўзлар шунчаки алифбо тартибида териб чиқилмаган.

Асарда отларни ва умуман сўзларни тартиблашда алифбо тартиби эмас, балки араб грамматикасига хос бўлган шаклий тузилиш устувор бўлган. “Девону луғати-т-турк”да сўзнинг қайси қавм тилига хослиги, талаффузи, орфографияси, гапларда қўлланиши, омонимлари ҳам бериб ўтилган.

Шунингдек, олим ўзига маълум бўлган алоҳида бир қавм тилида бошқа маънода фойдаланилувчи сўзларни ҳам бериб ўтган. Бу ўз навбатида

Фойдаланилган адабиётлар

1. ДЛТ- Маҳмуд Кошғарий. Девону луғати-т-турк. Нашрга тайёрловчи: Қ.Содиқов. – Тошкент: Фафур Фулом, 2017.
2. ДЛТ- Маҳмуд Кошғарий. Девону луғати-т-турк. Нашрга тайёрловчи: С.Муталлибов. – Тошкент: Фанлар академияси, 1960.